


84
С-60

Зебинисо СИРОЖОВА

СИЗНИ СОЗИНДИЛИ



ЗЕБНИНСКО СПРОЖОВА

Сизни созингил

Ш е р я р

UZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAKSAUS TAYLIN VAZIRLIG
TOSHKENT VILOYATI TIRICHIO
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

«Сантзор» напшрети

Жиззах - 2012

ООО «Чирчинская городская типография» Зак 1004-5000

Ein !!

Зебинисо СИРОЖОВА.
"Сизни соғиндим". Жиззах-2012. "Сангзор" нашриёти. 60 бет.

УДК: 821.512.133-1
КБК: 84(5У)7
С60

Ушбу ilk китобининг азиз фарзандлари бўлиши мени ва сингли-
укаларимни меҳур билан эрклаб ўстирган ардоқли инсон — Ички ишлар
идоралари фахрийси, истефодаги катта лейтенант, ҳаётининг кўпгина
йилларини Сирдарё вилояти ИИБ Давлат автомобил нazorати
бошқармасида хизматда ўтказган ғамхўр далажоним Одилжон Пардаев
Сироj ўғли (1970-2010) нинг унутилмас хотирасига бағишлайман.

Муаллиф.

ISBN 978-9943-358-61-4

© Зебинисо СИРОЖОВА
© «Сангзор» нашриёти-2012

КЎНГЛИДА ЎЗ ГАПИ БОР УНИНГ

Шерият бамисоли юксак бир тоғлирқи, унга чиқиш ҳар кимга ҳам насиб
этирмайди. "Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда", дейди доно халқимиз. Зебинисо
ҳам ана шу тоққа чиқиб, дўлона териш ниятида астойил жадў кўрсатаётган ғайратли
ёшлардан бири. Нияти холис экан, иншоолло, унинг ёруғ нагжаси ҳам бўлтай,
албатта.

Комил ишонч билан айта оламанки, Зебинисо — яхши ижодкор. Бунга унинг
ёшган шеряларини ўқиб, иқрор бўлишимиз мумкин. Нетаки, салфдай тизилган
мисрларда самимий туйғулар-да тўлиб-тошган дурхун юракнинг берубор қисфаси,
интилиши ҳамда орзу-ўйлари шундайгина кўриниб туради. Ёш қаламкашнинг
кўнгли биттиқарида ифодаланган ички кечинмалари беихтиёр бизни ҳам нузли
қалб соҳибасининг дард, севинчларига ошно қилади. Шериятга катта умидлар
билан қалам кўйган бошловчи шораннинг сирли ички оламига бошлаб кирди.
Дунёнинг дард овозини баралта тинглаган ҳолда, нафис табиат оҳангларига қалб
кулоғини тутиб, ундан мўъжизавий сас-салоларни илғаб олиш иқтидорининг
муаллифда мавжудлигининг ўзайё ёш қалам этасига келгусида яхши ютуқлар
келтиради, дея умид қилишимиз учун асос бўлади.

Қаюним сўнггида "Илоҳим, ғайратли кўлинг шеръ битишдан сира толмасин,
Зебинисо" дея самимий тилак битиштирб қоламан.

Туроб Юсуф Қоржов ўғли,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.



КИШ

Карға "каҭ-каҭ"
Этиб келди.
Осмондан қор
Етиб келди.

Сокинлашиб
Тошқин сойлар,
Оптоқ бўлди
Ҳамма жойлар.

Кип яланғоч
Ҳолда бу дам
Ночор турар
Дарахтлар ҳам.

Фалакда ой
Бўзлаб қолди.
Қўлмак жойлар
Музлаб қолди.

Чилаб совуқ
Об-ҳавота,
Қўз тутамиз
Қорбобота.

Элда унинг
Хизмати бор.
Зап ажойиб
Хислати бор.

Кувонтириб
Қанча дилни,
Бошлаб берар
Янги йилни.

АЙРИЛИК ДАРДИ



Ҳаёт, шуми сенинг гўзалликларинг?
Умрим чаманита тўфон етди-ку!
Ахир, кўзимизни бир умр ёшлаб,
Азиз отам бизни ташлаб кетди-ку!

Сел каби жўш урган фахру ғурурдан
Чиккандай бўламан тоҳ осмонларга.
Меҳру мурувватда ном қозониб у,
Яхшилик қилганди кўп инсонларга.

Шунча яхшиликлар этаси отам
Қирққа етмай, дунё бағрин тарқ этди.
Аччиқ айрилиғи кўнглимни доғлаб,
Кўзёш дарёсига мени тарқ этди.

Усиз бу ҳаётда қандай яшаймиз?!
Бизни қалтироққа солар қайтулар.
Эсимиздан чикмай майин қулгуси,
Бетиним эзди мунгли туйтулар.

Шу мурғак қалбларни қилганча етим,
Ўлим ўзи қандай максалга етган?
Отамнинг беғубор ниятларига
Менинг умр йўлим туташиб кетган.

БАҲОР

Очилди гул, долалар,
Баҳор келди, боғлар!
Энди гуллар терамиз,
Дўстларга шод берамиз.
Чикманг деб сира сондан,
Кўёш бобо осмондан
Бетиним нур сочди,
Зулмат четга қочади.
Етилгандай ўй - тилак,
Дошқозонда сумалак
Ялтираб, қайнаб турар,
Шохни ўт "чайнаб" турар.
Бугун-чи кирди жоним,
Ялпиздан ойижоним
Ширин сомса пиширди,
Қизи паккос туширди.
Одатий хол-ку булар,
Боғлар ўйнаб-кулар.
Олқиш бўлсин - ўлкамга
Хусн берган кўкламга!

КЎЗИЧОҒИМ

Кучоқласам, гавданга
Тўлмас очик кучоғим.
Тезроқ ўсиб, улгайгин,
Эй, кўзлари мунчоғим.
Бунча қалин бўлмаса,
Сал шўх, ўйинқароғим?
Тарай десам юнтингини,
Синиб қолди тароғим.

ГУЛЛАР

Кучоғига - меҳрли
Кўёш нури сочилган
Ботимизда ранг-баранг
Гуллар қийғос очилган.

Жамбилгулу райхонлар
Зўр мўъжиза яратиб,
Елда енгил тебранар,
Хуш бўйларин таратиб.

"Борми, — дея, — сас-сало?" —
Секин кулоқ соларлар.
Боғдаги барча гуллар
Кўёшдан куч оларлар.

Илпизларга ҳеч кун йўқ,
Ер ўзи бош бўлмаса.
Унда бир гул яшнамас,
Кўкда кўёш бўлмаса.

ОТДАГИ ОПАМ

*Ушбу шезримни эл севган санъ-
атор, Ўзбекистонда хизмат кўрсат-
ган артист Ҳоснига опа Раҳимовнига
хурмат ила бағишлайман.*

Эр йигитлар, эр қизларни
Сўратанли Чўлпоним.
Эр йигитдай бир қиз берди
Эл-юртига Сўрхоним.

Ойбарчиндек, Тўмарисдек
Момоларим шонини
Кўтарганга-Зебинисо,
Арзир, берса жонини.

Ўша улуғ момолардан
Кейин, титраб жон, таним,
Ҳосиладир от устида,
Ўзантида кўрганам.

Хўп айтимилаб, кўп айтимилаб,
Келар кўлда соз билан.
Ор керак, дер, ёр керак, дер
Йигитларга — роз билан.

Қиз номуси учун қалқон
Бўлгандек шер йигитлар,
Кўшиқчимиз атрофини
Қуршаган эр йигитлар.

Номин шезрга солар бўлсам,
Кулоқ тутар, ҳа, бари.
Улоқ бўгун бизда, опа,
"Ҳаёт ўзи кўлкари" *.

* Усмон Азим сатри.

КЎШРАБОТ

Кўёшинг мағрур нур пурқар бошингда,
Пурвиқор тоғларинг тураб қошингда,
Бир олам ҳикмат бор ҳар бир тошингда,
Бағрингда яшнаган жаннатни кўрдим,
Ҳуснда тенги йўқ Кўшработ юртим.

Кўп — азиз ўтмишдан ёлғор жойларинг,
Шарқираб оқди жилға, сойларинг,
От ўрнин босмоқда асов тойларинг,
Қиёлангта бош эгиб, юзимни бурдим,
Ҳуснда тенги йўқ Кўшработ юртим.

Сен — хур мантуликка талпинган саман,
Лобар қиз, йигитлар айраган чаман,
Сени жонимдан ҳам оптик севаман,
Мўътабар кўркингта термулиб турдим,
Ҳуснда тенги йўқ Кўшработ юртим.

Пок булогинг мен-чун орзу, муддао,
Ҳар бир томчи сувинг минг дардга даво,
Олма, нок, аноринг бағишлар шифо,
Сув бўйига бахтим кўшқини кўрдим,
Ҳуснда тенги йўқ Кўшработ юртим.

Сен — илҳом созининг янғроқ сасисан,
Қамолот қасрининг тик зинасисан,
Шоир Равшан Файзнинг хазинасисан,
Боғингта қуш қаби ўзимни урдим,
Ҳуснда тенги йўқ Кўшработ юртим.

Қиёсинг топмасман, кезсам ҳам жаҳон,
Кўёшдай улғусан, эй, гўзал макон,
Майли, сен-чун фило бўйсин ширин жон,
Шавъингта лойиқ сўз ахтариб юрдим,
Ҳуснда тенги йўқ Кўшработ юртим.

ОНАЖОНИМГА

Онажоним, дунёда
Суюнган тоғимизсиз.
Заминнинг бир четида
Яшнаган боғимизсиз.

Такдирнинг бизга бўлган
Меҳр, ардоғидирсиз.
Ўзингиз ҳам меҳрнинг
Қайноқ булоғидирсиз.

Ботган офтоб кент ернинг
Чикмаёқ бу бошидан,
Ёришди тонгларим
Қалбингиз қуёшидан.

Сизга атаб мен қанча
Қўшиқ битсам, шунча оз.
Илоҳим, йўлингизга
Гуллар бўлсин поёндоз.

Агарки кун тепада
Ололдан зўр ярақлар,
Мўътабар бошингизга
Соя солсин дарахтлар.

Онажоним, гўё сиз
Тан ичра жонимдирсиз.
Қўз очиб, кўртан кўркам,
Ёруғ жаҳонимдирсиз.

Энг улут, азиз инсон,
Бошимда посбонимсиз.
Юзлаб қуёш нур сочган
Бағри кент осмонимсиз.

Оқ сут бериб, улғайтиб
Жажжи гўлакитимдан,
Бутун фахрланарсиз
Оташ юракитимдан.

Бутун сизга шеър ёзим
"Мунис, ғамхўр онам" деб.
"Одамлар мўл дунёда
Ёлғизим, яғонам" деб.

Шиддат жўшган замонда
Шамол янглиғ еламан.
Ҳақирсангиз, мен қайда
Бўлмай, етиб келаман.



ТИНЧЛИК

Тўла — эл-юрт пок ҳаёли,
Ўйи билан бу бошимиз.
Осмонимиз очик бўлсин,
Портаб турсин қуёшимиз.

Эрта тонгла пешвоз чиқиб
Ширин, тоза ҳаволарга,
Кўйга ташна юратимиз
Тўлиб кетсин наволарга.

Уйимиз тинч, юртимиз тинч,
Тоғлар билан ўлчаб бўйин,
Турмушидан шод халқимиз
Чертиб келар тинчлик куйин.

Биз — ёш авлод юрт кўйинида
Бахтли ҳаёт кечирамиз.
Кўшимиз — қабулардек
Кўкка шодон учирамиз.

Бахти қулган ўлкамизда
Тинчлик ҳукм сураар экан,
Дилда шоллик бир умрга
Сира ўчмай турар экан.

АСКАР ЙИГИТЛАР

Тенг олишмоқ учун душман тараф билан,
Хизмат бурчин бажаришар шараф билан.
Жангсиз ҳам эл-юртин бирок рози қилар,
Донм тенглик бўлишини орзу қилар.

Ишчи, деҳқон меҳнат қилиб нон топади,
Улар Ватан хизматида шон топади.
Нур яшар ҳар бирининг ўй, тилагида,
Ватан меҳри жўш уради юрагида.

Бармоғи-ла силаб гуллар япроғини,
Кўзга сураар азиз Ватан тулпоғини.
Қувонганча тинч халқининг суруридан,
Кўкси баланд — йигитликнинг ғуруридан.

Ҳар қайсиси кўлга қурол тутиб атай,
Ватан учун жонин фидо қилмоққа шай.
Умри бўйлаб эзгулик хур они оқар,
Томирида Алломининг қони оқар.

Кечар юртнинг иссиқ ёзи, совуқ қиши,
Эл тинчлигин кўриқлашди улар иши.
Омон бўлсин, бораверсин чўққи сари
Ўзбегимнинг барча аскар йигитлари.

ДАВВАТ

Ватанимининг ҳар бир кўни файзага тўла,
Бўш жойлари "боғ қил" деган арзага тўла,
Фарзандларин умри, демак, қарзга тўла,
Дарахт экиб, Ватан бағрин боғ қилайлик,
Боғни севган эл кўнглини чоғ қилайлик.

Боғи Эрам қолган эмас ер тагида,
Ибрат яшар момоларнинг эртагида,
Умид кулар ёш ниҳоллар кўртагида,
Дарахт экиб, Ватан бағрин боғ қилайлик,
Боғни севган эл кўнглини чоғ қилайлик.

Юрт суратин жойлаб очик кўзимизга,
Гул илҳизин ўтқазайлик изимизга,
Савоб ишни юк билмайлик ўзимизга,
Дарахт экиб, Ватан бағрин боғ қилайлик,
Боғни севган эл кўнглини чоғ қилайлик.

Айлантириб юрт кўйинини боғ-роғларга,
Куй тўқийлик яшил, кўркам япроғларга,
Зебинисо, кўнглинг ёй соғ тулпроғларга,
Дарахт экиб, Ватан бағрин боғ қилайлик,
Боғни севган эл кўнглини чоғ қилайлик.

Дилдан мактаб ҳур истиқлол жамолини,
Дунё кўрсин озод юртим камолини,
Эслаб хушбўй ҳид ёр тоғ шамолини,
Дарахт экиб, Ватан бағрин боғ қилайлик,
Боғни севган эл кўнглини чоғ қилайлик.

КУТЛОВ

Онажонлар, бутун сизнинг байрамингиз,
Шодлик бўлсин бу ҳаётда ҳамдамингиз,
Юрт тинч экан, бўлсин, ахир, не ғамингиз,
Онажонлар, хуш тилагим қабул қилинг,
Гул ўрнида пок юрагим қабул қилинг.

Ҳар лаҳзангиз — гўёки ой, йиллар каби,
Юртанингиз — самодати йўллар каби,
Йираб-яшнанг баҳордаги гуллар каби,
Онажонлар, хуш тилагим қабул қилинг,
Гул ўрнида пок юрагим қабул қилинг.

Салом келиб қадрдон дўст, қардошдан ҳам,
Сизга олқиш ёғаверар тоғ-тошдан ҳам,
Юратингиз тафти ўтар кувёшдан ҳам,
Онажонлар, хуш тилагим қабул қилинг,
Гул ўрнида пок юрагим қабул қилинг.

Меҳрингизнинг тарифи — ҳеч овозларга
Бўйсунмагай, ҳам ситмагай қогозларга,
Волидасиз не гул, не мард, шоввозларга,
Онажонлар, хуш тилагим қабул қилинг,
Гул ўрнида пок юрагим қабул қилинг.

Шуъла сочиб — қорайган, тунд дунёларга,
Пок юзингиз макондир нур-зиёларга,
Сиз деб тўлар дилим нулли манноларга,
Онажонлар, хуш тилагим қабул қилинг,
Гул ўрнида пок юрагим қабул қилинг.

Сизгадир шеър саҳнасида бор хиромим,
Сизга бўлсин менинг барча эҳтиромим,
Сиздан, асли, Зебинисо деган номим,
Онажонлар, хуш тилагим қабул қилинг,
Гул ўрнида пок юрагим қабул қилинг.

АТИРГУЛИМ

Кўзим қувнар, кўриб кўздай сузилганинг,
Бир эгатда шеърдай қатор тизилганинг,
Қалбим эзар лекин — банддан узилганинг,
Гўзал гулим, суйган гулим — атиргулим.

Кўнглим ўсар, ёнимда сен бўлсанг агар,
Гўдак каби жилмайсанг ё кулсанг агар,
Кўзларимдан оққан ёшсан, сўлсанг агар,
Гўзал гулим, суйган гулим — атиргулим.

Чиройингта йиллар бўйи дол боқайин,
Гар совқотар бўлсанг, шитоб ўт ёқайин,
Барглариңгта, кел, садаф ё дур такайин,
Гўзал гулим, суйган гулим — атиргулим.

Инсонлигим қани, сени ўйламасам,
Шеърларимда сен ҳақингта сўйламасам,
Бўлмас — сени онам каби сийламасам,
Гўзал гулим, суйган гулим — атиргулим.

Машаққатда — мени суяр кўлдошимсан,
Йўлларимда — сен ҳаёлий йўлдошимсан,
Сирдошимсан, дардқашимсан, дилдошимсан,
Гўзал гулим, суйган гулим — атиргулим.

Бу ҳаётда таскин, қувонч мадад бўлиб,
Кўзларимга доним қараб тургин кулиб,
Дардим айтсам, кўнглим бирдан кетар тўлиб,
Гўзал гулим, суйган гулим — атиргулим.

"Ботмасин" деб, келсанг, йўлинг тошин терай,
Керак бўлса, ол, сен учун жоним берай,
Пойингта тиз чўкиб, шеърим ёзаверай,
Гўзал гулим, суйган гулим — атиргулим.

СИЗНИ СОҒИНДИМ



Азиз деджоним! Сизнинг на
меҳрингизга,
на юзингиз зиесига тўймадим.
Қайтмас бўлиб кетган сиз
меҳрибонимни кўмсаб,
йиглай-йиглай ёган шеърим
ушбўдир.

Оҳ, кимниям бу кўҳна дун сийлаб келар,
Оғир мушти зуваламни ийлаб келар,
Айрилиқнинг оғриқлари қийнаб келар,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

Бадфеъл ҳаёт дўқларидан дил ларзада,
Вулқонлари портлаб турар ҳар лаҳзада,
Ғусса, азоб таъқибидан кўнглим зада,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

Марҳум тақдир битити шу бўйса, наҳот,
Вужудимда иннранали шўрлик сабот,
Танг паллада сиз эдингиз мен-чун нажот,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

Бор пайтингиз — дилда — толе созин чалар
Меҳрингиздан очиларди гул, гунчалар,
Бу ҳаётдан ёш кетлингиз сиз бунчалар,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

Кимта умрин кам, кимта кўп, ҳазор берар,
Биндасига Ҳақ бешик, ҳам мазор берар,
Менга бевақт ўлимнингиз озор берар,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

Рухингизга оқ шарпадай сезиламан,
Кўзингизда балки ёш бўл тизиламан,
Сизни ўйлаб, жуда каттиқ эзиламан,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

Дил уйига гам-қайгулар кира-кира,
Бош айланиб, тоҳ кўз олдим тортар хира,
Наҳот қайтиб келмагасиз энди сира,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

Аёзларда қалбим танин ёполмадим,
"Қол", дегингиз, ортингиздан чополмадим,
Сиз кетгач, сўнг бирон таскин тополмадим,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

Болишта тоҳ ёмғир бўлиб ётиламан,
Кўролмайман, сизни фақат соғинаман,
Дардим оғир, энди қандай олунаман,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

Бу заминда яшаш — катта билим экан,
Нени бошдан ўтказсанг, шу — илм экан,
Отанг ўлса, бу сен-чун ҳам ўлим экан,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

Рухсат беринг, сизга меҳрим сўйлаб ўтай,
Шарингизни кўшиқ қилиб куйлаб ўтай,
Шерда сизга не сўз лойиқ? — ўйлаб ўтай,
Сизни жуда соғиндим мен, отажоним.

АРМОНЛАРИМ

Олис жойга секин кетиб бораётир
Ғам юкини ортан толмас қарвонларим.
Не қилайки, ҳатто сочим толасидан
Кўлдир дилим ўйган аччиқ армонларим.

Улар ҳақда гар гапирар бўлсам, шу дам
Шашти билан дўстлар ақлин поширади.
Ўртаб ичим, қаранг, ҳатто ўзимнинг ҳам
Тоқатимни қирғогилан тоширади.

Олпоҳим, айт, дол этган бу қандай ишини?
Айт, отамдан мени нечун қилдинг жуло?
Ҳали мурғак, кўғирчоқдек банданг эдим,
Юратимга жойлаб кўйлинг тинмас нидо.

Падаримга бешта фарзанд бериб кўйиб,
У беш дилбанд ғамин шундай еганмидини?
Ўн тўртида мен шўрликни зор қақшатиб,
"Кейин "ота" дегизаман", деганмидини?

Тўғлмаларим азиз отам дийдорига,
Синди толе томига дўст наравонларим.
Бир кун келиб ўлчовли бу умрим тутар,
Лекин сира тутаматай армонларим.

ФАСЛЛАР ЖИЛОСИ

Фасллар галма-гал алмашаверар,
Баридан энг олдин Баҳорой келар.
Кулганда қорт аро этагин ёйиб,
Қир-алпирлар кетар хуснга бойиб.

Набатин тутатиб, Баҳорой кетар,
Ўрнига синглиси — Иссиқ Ёз етар.
Кўрсатиб саҳийлик, ҳимматларини,
"Марҳамат" деб тутар неъматларини.

Ҳар фасл — ўз келар вақтини билар,
Сўнтра Ёз синглиси — Олтин Куз келар.
Негалир узюкка қарайверали,
Сап-сарик сочини тарайверали.

Гирдоб қуч бергандай дарё мавжита,
Йиғим-терим иши чиқар авжита.
Вақт оти тўхтамас, шамолдек елар,
Кейин куз синглиси — Қумуш Қиш келар.

"Мени қутлингми?" — деб секин сўрайди,
Ўлкани оқ либос билан ўрайди.
Саватдан сочиб қор парчаларини,
Безашта тушар тоғ арчаларини.

Фасллар галма-гал алмашаверар...

ТОШКЕНТИМ

Ўзбекистон юратиқирсан,
Она шаҳрим, гўзал Тошкентим.
Хур юртимнинг азиз пойтахти,
Париж, Римдан афзал Тошкентим.

Осмонўпар, тик биноларинг —
Кўрганларга ҳайрат улашар.
Ажойибдир табиатинг ҳам,
Қалбларга қуч, ғайрат улашар.
Бағринг боғдай сўлимлитини
Шеърларимда қуйласам арзир.
Боксам, дилда ғурур тоғлари
Шитоб ўсиб чиқади бир-бир.

Ҳар қадамда кўм-кўк майсалар
Неларнидир шивирлашади.
Хабар бериб олис ўтмишдан,
Юлдузларинг жимирлашади.

Тупроғингни кўзимга суртиб,
"Тенгинг — кўк" деб қиламан имо.
Аждоғларим руҳини шоллаб,
Қадрлайман сени доимо.

БОБОМНИНГ ҚИЛИЧИ

Қофияли гап айтмай
Қайфиятим зўрида.
Бобом тиги осиелик
Тура уйнинг тўрида.

Бўлганидай тўфоннинг
Дастлаб сукут элчиси,
Мардлигу жасоратнинг
Удир асл белгиси.

Силтанганда — ганимлар
Танидан жон кетгандир.
Тарихда ҳам бу қилич
Катта ўрин тутгандир.

"Чингизхонга қарши — бир
Жангда мавжуд давомиз!" —
Уни тутиб жанг қилган
Жағолидин бобомиз.

Темур бобом зарбага
Боелаб азиз ёдини,
Урушда душманларнинг
Қўп берганлар додини.

Кўрганда — титрасин ёв,
Қиринди ўтиб ичдан.
Нажот кутар аялдолар
Ҳалиям бу қиличдан.

Бобомнинг ёлгорлигин
Муқаддас деб билайлик.
Ватан учун, халқ учун
Тинмай хизмат қилайлик.



ВАТАН

Ғарчи тинмай тўққиз йилча олдим билим,
Лекин сени таърифлашга ожиз тилим,
Қучоғингда яшаб келар қутлуг элим,
Ватан, мен-чун муқаддассан онам каби.

Ўтмишингга кўз ташласам, қалбим жўшар,
Мардларинг бир шахимга ўн шиддат қўшар,
Ой улар-чун нур-зиёдан кўрпа тўшар,
Ватан, мен-чун муқаддассан онам каби.

Хатто қишқи бўронларда бўлмай адо,
Минорларинг соз сингари бергай садо,
Шонинг кезар ўлмас руҳдай ер, қўқ аро,
Ватан, мен-чун муқаддассан онам каби.

Бу дунёда кўрар кўзим қароғисан,
Умилмининг тунда ёнган чироғисан,
Ҳисларимнинг нурдай кескир яроғисан,
Ватан, мен-чун муқаддассан онам каби.



СЎНГТИ КЎНҒИРОҚ

Кузги хазонларнинг тўжилишидай
Мунгли янтрамоқда сўнги кўнғироқ,
Биз битириб чиқач, азиз мактабга
Аввалтидан кўра йўл бўлар йироқ.

Кўнглимизни бузиб, сирли оҳант-ла
Сўнги кўнғироқнинг овози янграр.
Учиб келиб, мактаб қошида бу пайт
Кушлар ҳам тўёки бошқача сайрар.

Кичик болаликдан бошлаб ҳар куни
Шу кутлуғ даргоҳга меҳр кўйгандик.
Тўққиз йил устозлар дарсини тинглаб,
Мураккаб фанларни бир-бир ўргандик.

Илм ўчоғидан орттирганимиз —
Билим, салоҳият, ақл, тарбия.
У бизни бағрига босгани босган
"Ҳар биринг севимли боламсан", дея.

Хайр энди, нурили, муқаддас даргоҳ,
Хайр, жони жонга туташ синфдош.
"Бир синфда қайта жам бўламизми?" —
Секин оқиб тушар кўзларимдан ёш.

ОИЛАМИЗ ФАРИШТАСИ

Етмагандай ташвишта банд кунларингиз,
Болам, дея белдор ўтди тунларингиз,
Ҳамон фарзанд завқ, роҳатин кўрмадингиз,
Онажоним — оиламиз фариштаси.

Уйда мудом саранжому сариштасиз,
Олдин одам эмас, балки фариштасиз,
Бизни бахт-ла боғлагувчи бир риштасиз,
Онажоним — оиламиз фариштаси.

Оғир ҳаёт юкидан гоҳ букиласиз,
Ерта гўё хазон каби тўкиласиз,
Бир китобсиз, Ҳақ амри-ла ўкиласиз,
Онажоним — оиламиз фариштаси.

Тенгдошлару дўтоналар бошида тож,
Сиздан ҳаёт ўн бора кўп ундирди бож,
Отам эрта вафот этди, йўқ ҳеч илож,
Онажоним — оиламиз фариштаси.

"Шоҳлик ташриф этарми?" деб йўл пойлаган
Юрагингиз ҳозир қайғу банд айлаган,
Сабрингизга тақдир тошми, не жойлаган,
Онажоним — оиламиз фариштаси?

Бўйинингизга айрилиқ дард тоғин осар,
Охларингиз баъзан баланд кўкдан ошар,
Отам кетган бўлса, ўрнин укам босар,
Онажоним — оиламиз фариштаси.

Оҳ, қанийди ҳеч қолмаса дилда туғун,
Совбоним, сал жилмайинг, байрам бўлун,
Бирпас энди ерта кўйинг рўзгор юкин,
Онажоним — оиламиз фариштаси.

Меҳрингиз пок кўрғонда ёз, қишладим,
Сизни шунда қайта-қайта олқишладим,
Арзимас шу шеърим сизга бағишладим,
Онажоним — оиламиз фариштаси.

КЕЛИНЧАК ФАСЛ

Юракларга шодлик тўлдириб
Баҳор келди, дилрабо баҳор.
Мана, шундай кўз олдимизда
Яшнаб ётар ям-яшил дийр.

Кўкда — кўкдам элчиси бўлган
Қалдирғочлар чарх урар шодон.
Қишда пинҳон тутган кувшин
Кўз-кўз қилар оламга осмон.

Тонг олдилан тушган шудринглар
Кун нурида нафис ярақлар.
Қирта тўлган тул, долаларга
Ҳавас билан боқар дарактлар.

Ана, бирдан ҳаво ўзгариб,
Бир зум баҳор шамоли елди.
Бирдан чакмоқ чакди, гулдираб
Еру осмон дарзага келди.

Челак-челак ёмғир сувлари
Шунда бошга шаррос куйилди.
Сув хукмида қолган юрт — ёмғир
Дарёсига фарқдай туйилди.

Ҳамма севган келинчақ баҳор
Ўз номи-ла баҳор-да, қаранг,
Гоҳ чертсам ҳам, садо чикмаган
Дил торимга бахш этди жаранг.

ЎЛКАМ УЧУН

Куним ўтар тун-кун — зулмат, зиё аро,
Бедорингу алдамчи туш, рўё аро,
Ҳар ким учун жон азиз бу дунё аро
Жоним фидо бўлсин азиз ўлкам учун.

Кўрк таралиб тенгсиз, сўлим боғларидан,
Жонбахш ҳаво келгай бағанд тоғларидан,
Дилбандиман умримнинг илк чоғларидан,
Жоним фидо бўлсин азиз ўлкам учун.

Чин мардликнинг шубҳалардан буткул нари
Тимсолидир Жағолидин, Темурлари,
Улуғбекка ҳавас қилар ёшлар бари,
Жоним фидо бўлсин азиз ўлкам учун.

Тинглаб Юнус Ражабий куй-баётини,
Ўйим кучар Усмон Носир ҳаётини,
Ёшлар қирқмиш Қодирийнинг қанотини,
Жоним фидо бўлсин азиз ўлкам учун.

Ёлдан чиқиб ғам-изтироб саноклари,
Бир умрта ётар ўтмиш сабоқлари,
Лов-лов ёниб Зебинисо ёноқлари,
Жоним фидо бўлсин азиз ўлкам учун.

Оқуш ҳаёл сузаётир кўк наҳрида,
Шарт-шурт кесар тиг заҳри бор — эл қаҳрида,
Жонимга жон кўшган иссиқ юрт бағрида
Жоним фидо бўлсин азиз ўлкам учун.

ЁҒИЛАДИ

Фурсатларнинг жавдон урган шахдини кўр,
Ичган ошинг тоҳи тузсиз, тоҳида шўр,
Бошинг узра бу ҳаётнинг баъзида нур,
Баъзан ёмғир, ҳам қорлари ёғилади.

Қараб туриб, нозик тавбинг бўлтай хира,
Кўз ёшинг-да намламасанг бўлмас сира,
Соғингингги ямлаш учун оғзи ўра
Чархнинг қалин ғуборлари ёғилади.

Арзир, юртда, аввало, ўз гаминг есанг,
Бўлмас экан каттарми ё оккуш эсанг,
Бир бошингга, бирдан қилиб ҳолингги танг,
Кўннинг қалхат, шунқорлари ёғилади.

Қолсам ёки қолмасам ҳам ундан омон,
Бу дунёда ёмонлиқни кўрдим ёмон,
Қабоҳатга қимда ким юз бурган замон,
Унга дилим инкорлари ёғилади.

Куч-қувватинг ҳасратини чекма ҳалеб,
Худо қўлаб, бўлсанг атар ўткир табиб,
Ёнбошингга, ёт ҳам бўлиб дўсту ҳабиб,
Дунёнинг бор беморлари ёғилади.

Тоғим кетди, қизи элим зўр отанинг,
Қабри узра у қисмати шўр отанинг —
Боболарим макон кўрган Нурутанинг
Қоғта тенг виқорлари ёғилади.

АЙЛАНАМАН

Одамман-у, тигланаман, ёйланаман,
Баъзан жуда қизиқ ўйга бойланаман.
Ҳаёлимда тезлиги зўр балиқ бўлиб,
Гавдам етган дарёларни айланаман.

Битта ўша балиқ бўлиб қолмам яна,
Нур-шўълага айланади зумда тана,
Ночор ҳолат узра кўриб зўр тантана,
Поёни йўқ самоларни айланаман.

Сўнг кибуру танж ортидан мен қасдга тушиб,
Қаландарга айланаман пастга тушиб,
Мисли хушёр ҳолатимдан мастга тушиб,
Мажнун кезган саҳроларни айланаман.

Зарб эмаса, беҳудага чайқалмағай,
Соч турмагим ёйилмағай, пайқалмағай,
Хуллас, ерда мен юрмаган жой қолмағай,
Ҳар хил иқлим, ҳаволарни айланаман.

Осмон ойга буюрар: "Ҳой, нуринг тўша",
Тун қазарида ёришар мен турган гўша,
Кўройдинда ошиқ аҳли кўрган ўша
Отир жабуру жафоларни айланаман.

Йўл юришдан қолмас сира воҳам тутиб,
Не мўъжиза қоларкин кўз соққам тутиб,
Ишқ юртида дол бўл, баъзан ёқам тутиб,
Синов, меҳру вафоларни айланаман.

Бошқачаман умримнинг бу ўт маҳали,
Эх, уларда қачон келар яшаш гали,
Шундай қилиб, бирдай, ўткир кўзим ҳали
Кўролмаган дунёларни айланаман.

КЕЛИБ КЕТАР

Кун ҳисобли, чек етандир тирагимта,
Бу ҳаётда мен-чун жондай керагимта,
Ҳар куни беш, ўн бора танг юрагимта
Бу дунёнинг армонлари келиб кетар.

Ур-сурлардан бошим туғул, оғрир мия,
"Бунақасин кўрмагандик олдин, ия,
Унга қандай даво берсак бўлар?" дея
Ибн Сино дармонлари келиб кетар.

Изиरोбли жўшар юрак туғёнларим,
Ҳолсиз ётар йўлда умид карвонларим,
"Ўтармикин ҳайкириғим, фармонларим?" —
Деб не ўтмиш сарбонлари келиб кетар.

Пасайгандай бағандлиги бўйларимнинг,
Пасайгандай оҳанги дил куйларимнинг,
Гоҳ кўзимга заҳматта банд ўйларимнинг
Ҳосил уйган хирмонлари келиб кетар.

Юксалмаган кунлар ғамин ея-ея,
Кучдан кетиб, бўлдим охир офрикмия,
Ҳаёлимда: "бағандликка чиқкин", дея
Кўкнинг узун наравонлари келиб кетар.

Не ҳам бўлсин дуннинг ҳоли танглариди,
Бўғиламан тўзгиган ғам чанглариди,
Бу дунёга орзу, илинж жанглариди
Унинг қолиб, қурбонлари келиб кетар.

ЁЛВОРАМАН

Яқинда газетада солир этилган
мулҳиш бир жиноят тафсилютини ўқиб,
қалбим ларзага келди. Ушбу шеърим
ўшанинг таъсирида ёзилди.

Кўзим аччиқ кўзёшларга тўлиб борар,
Одамларнинг қаҳри қаттиқ бўлиб борар,
Нопок кўлда кимлар бевақт ўлиб борар,
"Инсон бўлинг!" — инсонларга ёлвораман.

Бир ботса тар, қайтиб чиқмас завол тиши,
Бир-бирини майиб қилиш — молнинг иши,
Бахорга йўл берсин тезроқ қисмат қиши,
"Келинг", деб соз имконларга ёлвораман.

Зардоб кўшиб ҳаёт таъмин қилманг тахир,
Шусиз ҳам ҳар одам умри қамдир, ахир,
Келган зотга меҳр билан очинг бағир,
Одам бор тўрт томонларга ёлвораман.

Наҳот кўздан макон илғар чама кетди,
Яхши бир сўз айтсак, биздан нима кетди,
Дил наҳримдан меҳр ортган кема кетди,
"Ўқ узманг", деб камонларга ёлвораман.

Ёлвораман нурга — "бизда қолинг", дея,
Киборлга — "тапга қулоқ солинг", дея,
"Хушингизни тезроқ йиғиб олинг", дея,
Ўзин билмас нолонларга ёлвораман.

Бошда кезган Зухро ўйим Тоҳири йўқ,
Дилдошинг йўқ бўлса, бундан оғири йўқ,
Конхўрларга нафратимнинг охири йўқ,
"Жиловланг", деб полвонларга ёлвораман.

Мағрурлигим лекин мени тарк этмағай,
Ўзин сира ўткир тигдан фарқ этмағай,
Қандай қилиб кўзёшимга фарқ этмағай,
У мени — гар ёмонларга ёлворамаң.

ШЕЪРДА — АЙТГАН СЎЗИМ КЕТАР

Сўнгги пайтлар безовта бўп уйғонамаң,
Игна теккан илон қаби тўлғонамаң,
Шунда-чи, дўст, алам билан ўйланамаң:
"Тинч уйкута қачон менинг кўзим кетар?"

Пастта босар тоғдай оғир ғуссаларим,
Гўё ерта сингиб борар жуссаларим,
Осонлиқча битай демас қиссаларим,
Ҳар бирида элга таниш юзим кетар.

Ўтсиз қолиб умримнинг қир, яйловлари,
Тушдай гўё ҳаётнинг завқ, сийловлари,
Хўкм сурур унинг минг бир синовлари,
Азиз отам қабри томон изим кетар.

Гоҳ улғурмай, гоҳ улғуриб, сочим тараб,
Бораяпман шоша-пиша олға қараб,
Керак тошдай бир кунимга қолгай яраб,
Қирлар оша шеърда — айтган сўзим кетар.

Лофчилик ҳеч мента мерос қолган эмас,
Шеърда айтган бирон сўзим ёлғон эмас,
Ёлғон айтсам, кун кўришим осон эмас,
Барақа, ҳам топар ризку рўзим кетар.



Ер қизариб шунда бағрим қонларидан,
Бир жон қолмас саботим минг жонларидан,
Айтар гапдан — юртнинг оппоқ қонларидан
Заҳмат билан қовлаб олган тузим кетар.

Мунг уйғотиб муаззиннинг азонлари,
Тўлғиб ётар умрим боғин ҳазонлари,
Сумалакка тўлиб ҳали қозонлари,
Баҳор келиб, умримдан бу кузим кетар.

Гарчанд ҳали кўп жойларни кўрган эмас,
Зебинисо шундай яшаб юрган эмас,
Олдида жўн учли қалам турган эмас,
Қариб кўрсанг, унда бахтим топилади.



КАРОР

Қирларимда ғам шамоли эса-эса,
Қилман, шундай бўлар кўрғон зарба эса,
Яшаш эса қураш демак, бунга эса
Дилда қатъий қилар аҳлим топилади.

Чор тарафдан қузатаркан қисмат кўзи,
Толе учун етмас битта аҳдининг ўзи,
Синовларга қарши, бу мард қизининг сўзи,
Юрагимда олов шахлим топилади.

Замон чопқир, ортидан-чи етмоқ керак,
Омад қайта етакласа, кетмоқ керак,
Эзгуликка умрининг нақш этмоқ керак,
Бунга эса қиммат вақтим топилади.

Маликаман, обрў, шайним асрасалар,
Бу гап чиқар, юрт китобин ағдарсалар,
Файрат қилиб гар астойдил ахтарсалар,
Ишқ қасридан тожу тахтим топилади.

МЕНДА ЯШАР

Етсин сизга шу шерьимда биттан хатим,
Икром умри дунё каби жулда қадим,
Худо шоҳид, мен ўзимни мактамадим,
Рости ҳам шу, пок нур-зиё менда яшар.

Мўл бўлса гар чин гўзаллик ошиқлари,
Олчи бўлар элнинг отган ошиқлари,
Кўнглимга файз берди олам кўшиқлари,
Ўшанга мос кўшиқ, наво менда яшар.

Кўҳна замин ичкаримми, ташқаридан
Титраганда хиёнатнинг лашкаридан,
Батрим ўйиқ менинг ҳам "дўст" наштадидан,
Лек чин дўста меҳру вафо менда яшар.

Ҳаққа баъзан илтижо бўл еттай йиғим:
"Оғир дардини кўтаролмам, пуч илғитим",
Гоҳ мос жавоб олмас шўрлик яхшилғитим,
Кулги, тағин аччиқ нидо менда яшар.

Завқ-шавқнинг мўл бўлса, соғсан гулханда ҳам,
Ғам зўр бўлса, чўл кўл чўзар гулшанда ҳам,
Интрок, алам туғён урса, ўшанда ҳам
Шоллик учун аҳд, мудлао менда яшар.

Ўн саккиз минг оламнинг чин этасига
Сажда қилиб, юк ортиб дил кemasига,
Ушбу ёруғ дунёдаман, эвазига
Қарзим узиб, шундай дунё менда яшар.

МЕҲРИГИЁ ТАРАФЛАР

Одамзотнинг олати шу, у мўътабар
Саодатга интилади умри қадар,
Кани, деб, тез етиш мумкин бўлса агар,
Ҳаётнинг шод йилларига талпинаман.

Афсус, умр кечмас фақат гуллар аро,
Пок дил баъзан барбод тубан диллар аро,
Раҳмдил, ҳам мурувватли йиллар аро
Ўсар меҳр гулларига талпинаман.

Оху кезар: имкон шердан кутқарса, деб,
Азобимни у ҳам бошдан ўтқарса, деб,
Мен-чи, меҳри ийиб, кўкка кўтарса, деб,
Тоғнинг қоя кўлларига талпинаман.

Гул Лайли ҳис этиб дилда севги кучин,
Чўлга борган эди Қайси кўриш учун,
Бошимга шу савдо тушса, кўрқмай у кун,
Ернинг оташ чўлларига талпинаман.

Бўйин ўлчаб бўлмас қуруқ қулоч билан,
Ҳамон унга шеър ёзолмам қувонч билан,
Тирик пайти дадамнинг зўр ишонч билан
Юрган тўғри йўлларига талпинаман.

КЎКАТЛАРИМ

Кўкатларим, менинг севган кўкатларим,
Кўп менинг ҳам сизга ўхшаш жиҳатларим.
Оғрир бўлса, кўмагингиз сабаб бўлиб,
Тикланади хатто соғлиқ-сиҳатларим.

Одамларга яшил рангни ҳади этиб,
Келдингиз сиз соз кунларга аранг этиб.
Ярим йилча банди бўлиб ер қарида,
Қаҳратонда танангиздан дармон кетиб.

Тупроқда ҳам қиш совуғи ортиб чунон,
Метин қатлам жисмингизни қисди ёмон.
Сизни умид тарқ этмади ўшанда ҳам,
Ўша умид кўллаб келар сизни ҳамон.

Кўкатларим, менинг севган кўкатларим,
Жим боқиш-ла ўтибди кўп фурсатларим.
Кулоғингиз остида ҳеч янтрадими
Қишда — "Дунё, кўкатларим кўрсат"ларим?

Баҳор пайти бўй борича қад керасиз,
Олам уйин ҳовлисига файз берасиз.
Мен қирлардан гул терсам тар, сиз эса-чи,
Хаёлларим чаманидан гул терасиз.

Кўкатларим, жондан севган кўкатларим,
Мадалингиз билан яшар роҳатларим.
Эх, ҳозир қиш, бу фаслда сиз бўлмайин,
Борган сайин тугаб борар тоқатларим.

Шу қишгадир — "жабринг тезроқ тугат"ларим,
"Сен ҳам ўзани сал савобга ўргат"ларим.
Не бўларди, ўссангиз қиш пайтида ҳам,
Кўкатларим, жондан севган кўкатларим?

ХАЁТ ЙЎЛИ

Бавъида ўт қамрар бутун борлиқларим,
Келавермас кўнглим истар шодлиқларим,
Кучиб умрим дийрининг қорлиқларин,
Тўкилади унга иссиқ ёшим менинг.

Тер қуйилар шунда манглай, юзинданам,
Дул таралар секин бостан изимданам,
Оғир юкдан этилади — ўзимданам
Онам учун азиз бўлган бошим менинг.

Юрмай десам, юриш керак, йиқиламан,
Япроқдаги шабнам каби тўкиламан,
Бошим теккан тошларга лол тикиламан,
Қоматимга тимсол бўлар қошим менинг.

Шунда бирдан саботларим ёрдам берар,
Умид ёйган қанотларим ёрдам берар,
Тушда кўрган ҳаётларим ёрдам берар,
Улғайди ўн беш ярим ёшим менинг.

Чўккан жойда шунда тоғдай юксаламан,
Чўл кўйнида яшнар боғдай юксаламан,
Шоир дoston битган чоғдай юксаламан,
Нақ мўлжалга тегар отган тошим менинг.

Яъни нурни севмасларга тош отаман,
Аслида, мен бир уйқуда тинч ётаман,
Мудраб ётган тўфонларим уйётаман,
Чапак чалар ой — яқин сирдошим менинг.

Бор ҳаётим безаб гўё дурлар билан,
Кайтиб келар шунда шодлиқ нурлар билан,
Кўнглим эса ўйнаб кетар хурлар билан,
Дарак берар шамол — хабардошим менинг.

СИЗГА БОҚАР

Чиккан шеърим,* эҳ, кичкина бахтим менинг,
Кўзлар аранг илғар тожу тахтим менинг,
Сизда яшар орзу, илинж, аҳдим менинг,
Баландлиқдан осмонларим сизга боқар.

Экилган ёш ниҳол каби барг ёясиз,
Тўккан қайноқ терларимга юз чавасиз,
Балки ҳали чинор қадар улғаясиз,
Дилдаги куч, вулқонларим сизга боқар.

Шер омадин оҳу бостан издан кутар,
Шоир эса илҳом келган кездан кутар,
Умид, орзу* бахтин айнан сиздан кутар,
Олдиндаги имконларим сизга боқар.

Мазмунингиз соз бўлса, дил севинчисиз,
Ёзганларим ичида сиз биринчисиз,
Ҳолим англар ҳам табибсиз, ҳам синчисиз,
Дилда кўрган кўргонларим сизга боқар.

Орзуларим шафакларга осилажак,
Ёмонликка чуқур қабр қазилажак,
Узоқлардан — ҳали бир-бир ёзилажак,
Олдиндаги дostonларим сизга боқар.

Сизни само тоҳ ёмғир, тоҳ дўлга тутар,
Ой фонусин тоҳ сиз юрган йўлга тутар,
Менинг ҳаёт жангарида кўлга тутар
Найза, қилич, қалқонларим сизга боқар.

* Матбуотда эълон қилинган илк шеърлар назарда тутилмоқда. (Муаллиф изоҳи.)

ЛОЛАЛАРИМ

Қирғоқдасиз, борсиз арик, анҳорда сиз,
Товланасиз кун нурида наҳорда сиз,
Барқ урасиз фақат битта баҳорда сиз,
Бирда ўсмай, бирда ўстан лолаларим.

Баркамолсиз ернинг нарвон умидидай,
Шоирларнинг руҳан полвон умидидай,
Далаларнинг гўё алвон умидидай,
Кенг адиру қирда ўстан лолаларим.

Ҳар йил сизни, ланг очиб кент кучоқларин,
Меҳр билан кутиб олар пир тоғларим,
Зўр ўтказиб умрининг бор хуш чоғларин,
Азиз жойлар, пирда ўстан лолаларим.

Интиламан доним ёруғ изга фақат,
Кулоқ солинг мендай солда қизга фақат,
Бир сирим бор, айтаман бир сизга фақат,
Қалбимдаги сирда ўстан лолаларим.

Менга жавоб берасизми, берсам савол?
Йўқса, битта қизиқишим кеттай увол,
Ибрат учун, камтарлиқдан топиб камол,
Осмон эмас, ерда ўстан лолаларим.

Гар кексайиб, тутсам ҳамки қўлга асо,
Қўймай, сизга талпинаман мен доимо,
Бир баҳормас, ҳатто баъзан Зебинисо
Қишда ёзган шеърда ўстан лолаларим.

ФЕЪЛИМ

Томган жойин ердан тошдай бўлмас териб,
Тезроқ емай, музқаймоғи кетган эриб,
Шунда жаҳлим чиққанидан белги бериб,
Шошмас укам нигоҳига қош ураман.

Мендан аям ҳалеб ҳалик олаверар,
Котмалитим уни ўйта солаверар,
Нозиклитим ўғармасдан қолаверар,
Йигитларга ўхшаб на бир ош ураман.

Ҳаёт буйруқ бердимми, гоҳ "хўп" лаш керак,
Қуйган чойи хоҳи иссиқ, хўплаш керак,
Бунинг учун сал тажриба тўплаш керак,
Ёмонларни балки шеърда ёш ураман.

Ўйта осон келмас ризку озикларим —
Манглайига минг бир синов ёзикларим,
Қирай демас ерта таянч қозикларим,
Қўлим оғрир, шунда унга тош ураман.

Ҳар хил йўл-ла синаса ҳам ҳаёт беҳад,
Ўғаларнинг ҳаққига кўз тикмам фақат,
Паст кимсалар қаршисида тикман, фақат
Яхшиларнинг оёғига бош ураман.



ТАБИАТГА

О, табиат, ер, коинот кўрк, малаги,
Ернинг ўт, сув, кўкнинг шафак, камалаги,
Кипригимдан бир томчи ёш юмалади,
Дурдай уни кафтинг узра солсанг, нетар.

Юртда ҳеч қиз ҳали сендай бўянмаган,
Сендан қиёс олган қиз ҳам — уялмаган,
Ким бор ўзи танг пайт сенга суянмаган,
Ёш юрагим бир зум кўлга олсанг, нетар.

Кимни қийнаб, кимнинг кўнглин қилганча ром,
Тўрт фаслинг ер устин кезиб юртай мудом,
Хар ўлкада мўлдир сенга чин эҳтиром,
Қалбим ўзинг юрар йўлга олсанг, нетар.

Хар гўдакка "Кел" деб шод кўл узатасан,
Ёш, қарини сўнгги йўлга кузатасан,
Ҳаким бўлиб гоҳ дардим ҳам тузатасан,
Отамни деб бир зум ўйга толсанг, нетар.

У ҳам сени жондан ортиқ севар эди,
Кўрк, мўъжизанг олдида бош этар эди,
Ким сенга тош отса, унга тегар эди,
Гоҳ қабирида қишда гул бўп қолсанг, нетар.



ҲАЁТИМ

Ўлса, жаннат ё дўзахдан олади жой,
Экканини ўрар ҳар ким, қашшоқми, бой,
Чунки бугдой экканларга — ўша бугдой,
Заҳмат чекиб мош экканга — мош тегали.

Ишга солиб шахлимнинг сой, дарёларин,
Супораман умримнинг чўл, сахроларин,
Бир-бир илгаб бу ҳаётнинг марноларин,
Қувонганда — баъзан кўкка бош тегали.

Томорқамга боқар қимлар алам билан,
Унга ишлов бераман мен қалам билан,
Сирлашаман тунлар мавжуд олам билан,
Меҳнатимдан оғзимга нон, ош тегали.

Бекор кетмас заҳматда тер тўкканларим,
Борган сайин қучланади экканларим,
Тоғдай босиб дард, машаққат чекканларим,
Эгилганда — қаламимга қош тегали,

Наф келтириб селдай қайнаб, жўшганларим,
Чўлларимда юз кўрсатар гулшанларим,
Ҳасад билан боқар экан душманларим,
Отсам агар, ҳар бирига тош тегали.

Хушрам кечиб умримнинг тун, кундузлари,
Чакнайверар бошимда бахт юлдузлари,
Бежиз зўрмас завқ гулининг иллизлари,
Гоҳ кўзимдан нурдай тоза ёш тегали.

ВАТАН БИЛАН БАХТЛИДИР

Кўпқарида чавандоз зўр саман билан бахтлидир,
Хар сайроқи бўлбўл, кумри чаман билан бахтлидир.
Юртдан йироқ одамларни қийнар диёр соғинчи,
Бу дунёда ҳар бир киши Ватан билан бахтлидир.

ҲОЛИБ КЕТАР

Вақт бордай иссиқ пайтдан салқингача,
Ўз жойимдан кўзгалмадим яқингача,
Шахлим ўсиб энди чакмоқ, чақингача,
Орзум мени узоқларга олиб кетар.

Кўлим ушлар, мента ўзин маҳрам тутиб,
Кийналсам гар, овунтирар малҳам тутиб,
Орзум мени, ип-жиловин маҳкам тутиб,
Учар тилам ўртасига солиб кетар.

Ортимизда баланд-баланд тоғлар қолар,
Сап-сарик чўл, туркираган боғлар қолар,
Зерикишдан ўтмаётган чоғлар қолар,
Бавзилари ўз ҳолидан нолиб кетар.

Чикиб борсак камалакдай кўприккача,
Замин наҳри чикмай қолар тўппиқкача,
Сафаримиз бориб етар уфқкача,
Нарёғига боқсам, кўзим толиб кетар.

Хасл кетар бу жаҳоннинг ҳар ёғига,
Элтармикин орзум уфқ нарёғига?
Кўлин кўйиб сувдан сабот кирёғига,
Зебинисо бу сафардан ғолиб кетар.

ИЗЛАГАЙМАН

Рўёби-чун сарфлар экан ўз шахдини,
Фақат орзу эгизламиш дил тахтини,
Елдай шошар умрининг энг пок бахтини
Элга умри фидолардан излагайман.

Юрт кўйнида кўрк таратар турли чаман,
Кўркин — белил, ҳисдан жуло олмайди тан,
Ақлим шошиб, хур сукунат сеҳрин баъзан
Кўшлар ёйган наволардан излагайман.

Хусни ювиб тақдир гўбор, кирларини,
Гул қопламиш умримнинг тоғ, кирларини,
Кувонгали чорлар шодлик сирларини —
Иброт бўлар нидолардан излагайман.

Изламайин — яшашда, айт, не маънидир,
Бу ҳаётда излагайман ниманидир,
У, эҳтимол, қалбим битган байт шавнидир,
Тўфон сирин саболардан излагайман.

Фарқлимиз-ку аммам боқкан бузоқлардан,
Ҳаёт, асли, иборат дор, тузоқлардан,
Хавфсизлигим — "Огоҳ бўл" деб узоқлардан
Келаётган садолардан излагайман.

Шеърни, асли, шоир тўккан терлар ёзар,
Ўз кўзи-ла кўрган макон, ерлар ёзар,
Ишқ қадрини — тунда белдор шеърлар ёзар,
Уйқусидан жулолардан излагайман.

МУҲАБАТИМ — ЮРАГИМНИНГ АРЗАНДАСИ

Интилажак бахтли, шодон бўлмоқ учун —
Бу дунёда қодир Ҳақнинг ҳар бандаси.
Яратандир йиғлаб туриб кулмоқ учун,
Зўр келганда яшаб туриб ўлмоқ учун —
Муҳаббатим — юрагимнинг арзандаси.

Баязан отрик кўзгайверар ўзимда ҳам —
Хур тушларим унсиз қилган ҳар хандаси.
Бир дилдамас, қонли ёш бўл кўзимда ҳам
Мақон қурган, қамраб руҳим ингроқ саси,
Муҳаббатим — юрагимнинг арзандаси.

Баязи тунлар у кўзимдан оқиб тушар,
Тушган жойин олов бўлиб ёқиб тушар.
Даф қилмасин, деб, бу замон даррандаси,
Орзумга ҳам кўзгуморин тақиб тушар —
Муҳаббатим — юрагимнинг арзандаси.

Тун кўйинидан тоҳ дун боқар ҳайрон бўлиб,
Дард, йиғимнинг бўлганида гар кандаси.
Тоғ устида бино бўлган жайрон бўлиб,
Яшнайверар ичда, сиртда вайрон бўлиб —
Муҳаббатим — юрагимнинг арзандаси.

Пайраҳалар учар умринг ёғочидан,
Шитоб билан текисласа ишқ рандаси.
Кўркмай сира алвасти ғам "қоч-қоч"идан,
Четта шодон тортиб қочар тоҳ сочидан —
Муҳаббатим — юрагимнинг арзандаси.

Не бўлса ҳам, инсоф берсин Ҳақнинг ўзи,
Бўлмаса бас икки дунё шармандаси.
Диққат билан боқиб турар бор ер юзи,
Тоҳ жовдлар, тоҳ ўт бўлиб чақнар кўзи,
Муҳаббатим — юрагимнинг арзандаси.

БОЛАЛИКНИ КЎМСАБ

Бир лаҳзадай ўтиб кетди болалигим,
Шамолларга қурбон бўлди болалигим,
Ҳаслимда ҳозирги дард, нолалигим
Елда учган мезонларда қайтиб келар.

Шод куй қани, қолди куйнинг кўп ҳазини,
Шўрлик юрак кимга айтсин дард, арзини,
Болалигим — сўлим тонглар муаззини
Эрта айтган азонларда қайтиб келар.

Қатнашиш шартдай ҳосил кўригида,
Тўкин эди у пайт боғнинг ўриги-да,
Фурӯғаниб юришларим — тиригида
Бобом таққан нишонларда қайтиб келар.

Ўқитувчим мактовидан қандай эриб,
Қилган фаҳрим бор бўйича қалдин кериб,
Келгуси йил кўртагига ўрнин бериб,
Ерта тушган ҳазонларда қайтиб келар.

Уринса-да дарди — дилим ғашлаш учун,
Яралмаган ўзи — мени ташлаш учун,
Умрим бўйи тақдиримда яшаш учун
Ҳар қанақа маконларда қайтиб келар.

Белил кўзи — ҳеч эримас тош кўзидир,
Бахтсиз кўзи — мўл тўкилар ёш кўзидир,
Болалигим, қалб кўзи, хоҳ бош кўзидир,
Кўзим кўрган жаҳонларда қайтиб келар.

СИЗГА ЎТАР

Зулмат энди йўлингизга бўлмайди ғов,
Дил ичра жой излар савоб, ёғдуга ёв
Иллатларни кул қилувчи оташ, олов
Туйғуларим — вулқонларим сизга ўтар.

Гарчи билгум, қалбингизнинг иллати йўқ,
Биров учун қилса савоб, миннати йўқ,
Кулгу, йиги, айб, гуноҳнинг миллати йўқ,
Кўпларда йўқ имконларим сизга ўтар.

Ўйламантки, кирмай туриб кетмас ўтиб,
Энди катта хурмат билан олинг кутиб,
Кўпларида "Севги" деган байроқ тутиб,
Юраклаги меҳмонларим сизга ўтар.

Бундай ишта улар узок чоғландилар,
Рухан сизга жулда қаттиқ боғландилар,
Синовларда тобландилар, доғландилар,
Рухим ҳиллар райҳонларим сизга ўтар.

Максад шуки, мен билан сиз бир, тенг бўлинг,
Муҳаббатга ёқа бўлсам, сиз енг бўлинг,
Йигитларнинг орасида энг, энг бўлинг,
Тоғ, қирларим, осмонларим сизга ўтар.

Менсимасдан қилмасангиз хурмат бажо,
Бу муҳаббат имконида бордир жазо,
Кулгиси кам дунё аро, ҳижрон аро
Қилган йиги, фиғонларим сизга ўтар.

УЛҒАЙИШ ШЕЪРИ

Ҳар кишининг қилмиши — феъл, ҳулқига мос,
Ҳар нарсадан ибрат олиш — инсонга хос,
Чунки кунлик бу ҳаётда кўркам либос
Кийилганда, кўл чўзилар енгга қараб.

Солиқ шогирд ишта тайёр — домла учун,
Йўлбарсу шер шай туради ҳамла учун,
Зўр бўларди, дунё бирдай ҳамма учун
Кенг бўлганда — бирон кўнгли кенга қараб.

Улғайганда куч олади ўз ўйидан,
Баҳра олар жим таралар дил қуйидан,
Гўлакликдан униб-ўстан ўз ўйидан
Ҳар қиз бир кун йўл олади тенгга қараб.

Мурғак бошим тоҳ урилиб ғам тошига,
Мен ҳам, мана, етиб келдим ишқ ёшига,
Бобом каби секин олиб ёнбошига,
Дунё дегай: "Мен ўтардим сента қараб".

Толлим, деб: чарх довонидан ўтиб олай,
Дам олайин, ўзни бироқ тутиб олай,
Шеър тугади, кучоқ очиб кутиб олай,
Топе кулиб келмоққадир мента қараб.

ТУТ СОЯСИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Умрим сойи жавлон уриб оққанида,
Эсдан чикар роҳату дам ёққани-да,
Чакмоқ кўзим осмонга ҳар боққанида,
Ўзи учун мунаввар бир юлдуз топар.

Фурсатларим ип сингари эшилиди,
Шаҳд тифидан жон жойидан кесилди,
Тиф учидан кўк пардаси тешилиди,
Оққан сувдан дил балик, ҳам кундуз топар.

Шуур полвон тоғ-тошларни ағдаради,
Тиним билмай ниманидир ахтаради,
Ана, ярим ой ҳам унга лол қаради,
Илрок-ла у тун кўйнидан кундуз топар.

Рухим эса самолардан чапак чалар,
Чапакгита коинот ҳам шод чайқалар,
Фаҳмсизга ушбу оҳанг кеч пайқалар,
Хом бош сабаб, ёз ўрнида у куз топар.

Зебинисо тутта қалам тутқазди-да,
Шеър ёз, деди, ўқий уни бахт базмида,
Тутта ўхшаб у ҳам бунда, ўз наздида,
Осон таслим бўлмайдиган илдиз топар.

СЎЗ КЕЛАДИ

Журъат этиб умр ҳақда айтсам калом,
Умрим ёзи шилдат билан этгай давом,
Дигимда бор унга тоғдай мўл эҳтиром,
Ёздан кейин чунки ҳазин куз келади.

Ёз мента-чи бор бойлигини хатлаб ёзар,
Яшил япроқ ёрдамида хатлар ёзар,
Гоҳ тун ярми — қутилмаган вақтлар ёзар,
Оҳ, у хатта менда қачон кўз келади?

Ақлим менинг ўтган кунни ўйлайверар,
Кўрганларин хотирамга сўйлайверар,
Кўз олдимга — болалигим гуллар терар
Яшил-ялвон тусли дала-туз келади.

Дун мевасин бири бутун, бири чирик,
Жуссам нозик, лекин менинг оразм йирик,
Худо айтган фурсатгача кўрки тирик
Чаманлардан юратимга сўз келади.



СИЗГА АЙТГАНЛАРИМ

Сизни ўйга толдирмасин шаллодлитим,
Унданам кўп, асли, унсиз фарёдлитим,
Бир ҳақ билан боғлиқ бутун ободлитим,
Қайтаролмас ҳеч ким тўғри сўздан мени.

Расво, қабиҳ, тубан зотлар кўлпир ҳали,
Келар балки уларни ҳам ентиш гали,
Уринаман ёвлар дилин қон эттали,
Ахтаринг мард Широқ кетган издан мени.

Шаҳлим жўшар юртим тошқин сойларидай,
Олис кўкнинг чақмоқ чақар жойларидай,
Ўзингиз ҳам, йиғим-терим ойларидай,
Изланг фақат энг суронли кездан мени.

Ич сезгиси йўқ кимсанинг икболи кам,
Кўзингизни дўст-танишлар синобли дам
Қалин қора боғич билан боғласа ҳам,
Фарқдай олинг ҳар қанақа қиздан мени.

Қалб кемамга куч бор шамол парвозидан,
Лек нажот йўқ дарёларнинг саёзидан,
Асранг мени қаҳратон киш аёзидан,
Асранг яна намхуш, совуқ куздан мени.

Мени тўғри тушунсангиз, бахтим қулар,
Елкамдаги, жисмим эзган тоғим қулар,
Шунда мендан шундай эзгу тилак бўлар:
Ҳеч ким жудо қилмасин, ёр, сиздан мени.



АХТАРАМАН

Ҳаёт шундай, ким суййди, ким чоҳ қазар,
Жисмим қаттиқ совуқларда қақшаб, озар,
Қалбимдаги ҳислар мента мактуб ёзар,
Кувеш нурин ўша хатдан ахтараман.

Орамизда меҳрлилар кўлпир бироқ,
Улар борки, бағолардан юртим йироқ,
Ўчмас улар йўлларимга ёққан чироқ,
Олам бахтин шу шафқатдан ахтараман.

Ёмонларга келмай қолмас бало-қазо,
Ким гуноҳкор бўлса, топар бир кун жазо,
Беимонлар бахтсизлигин чексиз фазо
Оташлай ўт-нафратдан ахтараман.

Сунганча орзу-умид, тилагимга,
Ишонаман эл-юртимга керагимга,
Ўз бахтимни одамларга юратимга
Хуло солган муҳаббатдан ахтараман.



ХОЛАТИМ БАЁНИ

Гар ўзингиз ўзингиз-да сўйланасиз,
Демак, хурлар томонидан сийланасиз,
"Опа, баъзан нега бунча ўйланасиз?" —
Ден тортар енгим тутиб синглим мени.

Кизимга бу келарми, деб, балки малол,
Менга сира бу тўғрида бермас савол,
Сал чекадан хайрон бўлмай, баъзида лол,
Жим кузатар ойижоним — мунглим мени.

Фикру хаёл кўлларидан гул оламан,
Не бўлса ҳам, ўғил эмас, қиз боламан,
Гоҳ ўзим ҳам ўз холимига лол қоламан,
Қаёқларга бошлаб борар кўнглим мени?!

Синглим эса енгим тинмай тортаверар,
Кундан кунга унда хайрат ортаверар,
Саволиннинг таъмин дилим тортаверар,
Узилиб, тарк этмасайди енгим мени.

Сирли холим аянчми ё тузуқмикан,
Кафтимдаги — бахтдан дарак чиқиқмикан,
Синглим учун шунчалар ҳам қизиқмикан,
Бу дунёда севса бирон тенгим мени?

ЖИЛМАЯМАН

Мени, асли, отам дарди қийнаб юрар,
Орим лекин ўзга ўйни ўйлаб юрар,
Эх, бу ёшлар, ғам билмасдан ўйнаб юрар,
Кўчалари болаларга жилмаяман.

Не наф, ахир, тунд ҳолатда юртан билан,
Бир чекада қовоқ уйиб турган билан,
Заҳар тап ҳам баъзида тент уртан билан,
Амма, тоға, холаларга жилмаяман.

Сирли йўлим пинҳон тўсиқ тўсиб ётар,
Шоллиқларим бир четда қон қусиб ётар,
Алвон қоним рангида жим ўсиб ётар,
Қалбимдаги лолаларга жилмаяман.

Ўз тафтига тоқат қилмай, "вой-вой" лаган —
Ўтми, Худо бағрим аро не жойлаган?
Ташқарига чиқмоқ учун пайт пойлаган
Кўксимдаги нолаларга жилмаяман.

Зил ўйга банд бўламан гоҳ сочим тараб,
Танг ҳолатим жим кузатар саккиз тараф,
"Оқариши наҳотки рост?" — хайрон қараб,
Бошлари соч толаларга жилмаяман.

Букчайишим қайтармагай белқайишим,
Олов ичра "чарс-чурс" ёнар сувк, тишим,
Бу тал лекин ҳақиқийдир жилмайишим,
Бошта ёққан жолаларга жилмаяман.

ОР ЙИГАМАН

Бу дунёда ким меҳрли, ким бадқаҳр,
Тулни севмас бандларда мўлдилр қаҳр,
Бу қор эмас, само сочган оқ тул, ахир,
Қиш кунлари "бу тул-ку" деб қор йиғаман.

Суккут ичра армон тўнин қия-қия,
Тоҳ роҳатим деворлари бўлтай қия,
Дил сўзларим мусикага муҳтож дея,
Дўконлардан рубоб билан тор йиғаман.

Оҳ, қанийди, бахтли бўлса ҳар битта жон,
Бедилларга бу ҳол таъсир қилсин дебон,
Қолганлардан меҳр кутиб, дил, бағри қон
Баъзиларнинг юрагидан зор йиғаман.

Ор-номусни эскилар дер инсонга зеб,
Ўзим учун, мен бу гал ўз ғамимни еб,
"Ўзимдаги тагин етмай қолмасин", деб
Мард одамлар гуруридан ор йиғаман.

Халқнинг ҳар бир дашном гапи жўн даккимас,
Даkki емай соз танланган йўл чаққимас,
Савоб нурин лоқайдлик-ла шунчақимас,
Ҳаммасини мен муштоқу зор йиғаман.

Эслаб эски гапта қулоқ солгандарин,
Элга сочар — дилим элдан олгандарин,
Кутиб турган яхшиликнинг қолгандарин
Бир мартамас, ҳар кун беш, ўн бор йиғаман.

ХАЁЛ КУЧИ

Ҳар кимга ҳам ўлчаб берган умрин Худо,
Мен ҳам баъзи жигарлардан бўлдим жудо,
Кўз олдимга тоҳида ҳур хаёл аро
Кетган ўша одамларим қайтиб келар.

Ҳар қайсиси, назимда, зўр олам эди,
Нур таратган сеҳрли бир олам эди,
Бири - кулгим, қай биттаси нолам эди,
Кетган ўша одамларим қайтиб келар.

Кейин бирдан эста тушар лолалигим,
Бог оралаб чопган бетам болалигим,
Қолдир ўйда раҳм кўзаб нолалигим,
Терган олча, бодомларим қайтиб келар.

Хаёл кучи ночорлигим суриб нари,
Жонлангани кўркам, сўлим кунлар бари,
Тентлошларим билан тўкин боғлар сари
Ташилаган шўх қадамларим қайтиб келар.

"Кино" тутар бир соатда кечи билан,
Кетгум кейин тиканзорлар ичи билан,
Ўз аслига ширин хаёл кучи билан
Олган ўша ёрдамларим қайтиб келар.

М У Н Д А Р И Ж А

Кўнглида ўз гапи бор унинг.....	3
Киш.....	4
Айрилик дарди.....	5
Баҳор.....	6
Кўзичоғим.....	7
Гуллар.....	7
Отдаги опам.....	8
Қўшработ.....	9
Онажонимга.....	10
Тинчлик.....	12
Аскар йигитлар.....	13
Давват.....	14
Қўлов.....	15
Атиргулим.....	16
Сизни соғиндим.....	17
Армонларим.....	19
Фасллар жигоси.....	20
Тошкентим.....	21
Бобомнинг қиличи.....	22
Ватан.....	23
Сўнги кўнгирик.....	24
Оиламиз фаршаси.....	25
Келинчак фасл.....	26
Ўлкам учун.....	27
Ёғилади.....	28
Айланаман.....	29
Келиб кетар.....	30
Ёлвораман.....	31
Шерда — айтган сўзим кетар.....	32
Қарор.....	34
Менда яшар.....	35
Меҳригёе тарафлар.....	36
Кўкатларим.....	37
Хаёт йўли.....	38

Ёшга борар.....	39
Довларим.....	40
Фароғим.....	41
Ўйинлар.....	42
Қаётим.....	43
Наган билан боғлиқлар.....	44
Ҳалиб кетар.....	44
Нонга айлан.....	45
Мухаббатим — юртимнинг арзандаси.....	46
Боялигим кўнсаб.....	47
Ёшга ўтар.....	48
Ушайиш шери.....	49
Ўз соғинида ёзилган шер.....	50
Ёшга келиди.....	51
Ёшга айтганларим.....	52
Азизларим.....	53
Қаётим билан.....	54
Жаҳонларим.....	55
Ўрдинларим.....	56
Наган кўч.....	57

2013
Тоғажонова Уамова

Зебинисо СИРОЖОВА

Сизни созинди

М а с ъ у л м у х а р р и р :
Туроб ЮСУФ

Мухаррир:	Асад МУСТАФОВ
Техник мухаррир:	Жалол ШЕРАТОВ
Музаҳхих:	Турсуной НОРҚЎЗИЕВА
Компьютерда тайёрловчи:	Жамиш СОАТОВ

"Сангзор" нашриёти, 130100.
Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 4-уй

Теришга берилди: 18.10.2012 й. Босишга рухсат этилди: 25.12.2012 й.
Қоғоз бичими 84х60 1/8. Офсет усулида чоп этилди. "Vodo Times Uz"
тарнитураси. Нашриёт хисоб табори: 3,75+0,04. Буюртма 200. Адади 220.
Нархи шартнома асосида.

"Жиззах принт" масъулияти чекланган жамият босмахонасида
чоп этилди. Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 4-уй.